

Энг фазилатли дамлар

«Мухтасар ал-фиқҳ ал-исламий» китобидан иқтибос

أفضل الأوقات الشرعية

مقالة مقتبسة من كتاب مختصر الفقه الإسلامي

< Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي >



Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Тувайжирий

محمد بن إبراهيم التويجري



Таржимон: Абу Абдуллоҳ Шоший

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

Энг фазилатли дамлар



Рамазон ойи ойларнинг энг фазилатлисиdir. Рамазоннинг охириги ўн кечаси Зулхижжа ойининг ilk ўн кечасидан кўра фазилатлироқdir, чунки ушбу кечаларда Қадр кечаси бордир. Зулхижжа ойининг ilk ўн кунининг кундузлари Рамазон ойининг охириги ўн кунининг кундузларидан афзалдир, чунки уларда Қурбон байрами бордир. Жумъа куни ҳафта кунларининг энг фазилатлиси бўлса, Қурбон байрами куни йил кунларининг энг фазилатлисиdir. Қадр кечаси эса, йил кечаларининг энг фазилатлисиdir.

Қадр кечасининг фазилати

Қадр кечаси қадри улуғ бўлган кечадирки, унда ҳар бир ҳикматли, аниқ ишлар ажратилиб, ҳал қилинади ва ўша йилдаги ризқи рўзлар, ажаллар ва воқеаю ҳодисалар белгиланади.

Қадр кечаси Рамазоннинг охириги ўн кечасининг тоқ кечаларида бўлади, деб умид қилинади. Янада таъкидлироқ бўлгани йигирма еттинчи кечадир.

Оллоҳ таоло бандалар кўпроқ ибодат қилсинлар ва кўпроқ ажру савобга эга бўлсинлар, дея худди жумъа кунидаги дуолар мустажоб бўлган вақтни яширгани каби Қадр кечасини Рамазоннинг охириги кечаларига яширди.

Қадр кечасининг хусусиятлари

Қадр кечаси минг ойдан, яъни 83 йилу, 4 ойдан ҳам яхшироқdir. Бу эса ушбу уммат — уммати Муҳаммадиянинг хусусиятларидандир. Шундай экан, бу кечани ибодат билан, зикр ва истиффорни кўпайтириш билан, бу кечада айтилиши ворид бўлган дуони кўпайтириш билан бедор ўтказиш, ихё қилиш мустаҳабдир. Бунга далил:

1. Оллоҳ таоло деди:

Мехрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан (бошлайман).

“1. Албатта Биз у (Куръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик.

2. (Эй Мұхаммад), Қадр кечаси нима эканлигини сиз қаердан билар әдингиз?

3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.

И з о х . Демак у кечада қилинган тоат-ибодат ҳам минг ойлик ибодатдан яхшироқ бўлади.

4. У (кеча)да фаришталар ва Рух (яъни Жаброил алайҳис-салом) Парвардигорларининг изни-ихтиёри ила (йил давомида қилинадиган) барча ишлар билан (осмондан заминга) тушурлар.

5. У (кеча) то тонг отгунича тинчлик-омонлиқдир” (Қадр сураси, 1-5).

2. Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

“Ким Қадр кечасини иймон билан ва Оллоҳдан савоб умид қилиб, ибодат билан бедор ўтказадиган бўлса, ўтган гуноҳлари кечириб юборилади” (Муттафакун алайҳи).

3. Оиша разияллоҳу анҳо: “Эй Оллоҳнинг расули! Агар Қадр кечасига мувофиқ келсам, нима деб дуо қилай?”, деди.

“Аллоҳумма иннака афуввун тухиббул афва, фаъфу анний”, дегин, дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Дуонинг маъноси: “Эй Оллоҳ, Сен кечиришни яхши қўрадиган Кечиримли зотсан, мени кечиргин!” (Аҳмад ва Ибн Можа ривояти).

* * *

